



2016 у.г. «16» декабр № 2967-К Самарқанд т.-р. Самарқанд

“JOMBOY QIZILQUM SAVDO” масъулияти чекланган жамиятига «Илонсой» ўзанини тозалаш ва қирғоқ минтақасини мустахкамлаш ишларини олиб бориш ва қум ювиш цехи қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомалари, Давлат экологик экспертизасининг 2016 йил 04 октябрдаги 18/1603з-сонли хулосаси ҳамда “JOMBOY QIZILQUM SAVDO” масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомалари ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномалари тасдиқлансин.

2. Самарқанд туман “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини МЧ “Мароканд-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 979к ва 911 контуридаги туман захира ерлари ҳисобидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар ҳисобидан “JOMBOY QIZILQUM SAVDO” масъулияти чекланган жамиятига «Илонсой» ўзанини тозалаш ва қирғоқ минтақасини мустахкамлаш ишларини олиб бориш ва қум ювиш цехи қуриш учун жами 10,7 га (шундан: 10,0 га «Илонсой» ўзанини тозалаш ва қирғоқ минтақасини мустахкамлаш ишларини олиб бориш учун ва 0,7 га қум ювиш цехи қуриш учун) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2017 йил 01 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З. Зоҳидов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров